

**“DEHQONOBOD KALIY ZAVODI” акциядорлик жамияти
ягона акциядорининг навбатдан ташқари йиғилиш қарори**

Тошкент шаҳри
Навоий кўчаси, 38 уй.

27 ноябрь 2020 йил
соат 10:00

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир. Ушбу Қонун ва жамиятнинг Низоми билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади.

Кун тартибдаги масалалар:

1. “DEHQONOBOD KALIY ZAVODI” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзолари ва тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан ягона акциядор ваколатларига жамият Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ҳамда жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш берилган.

“DEHQONOBOD KALIY ZAVODI” акциядорлик жамиятининг ягона акциядори “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти томонидан 2020 йил 26 июнда 06-2892-сонли хат (илова қилинади) билан жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссия таркибига сайлаш учун номзодлар тавсия этилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб жамият ягона акциядори қарор қилади (691 467 965 251 дона овоз, 100 %):

1. “Дехқонобод калий заводи” АЖ Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясининг аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатилсин.

2. “Дехқонобод калий заводи” АЖ Кузатув кенгаши аъзолари ва тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги номзодлар тасдиқлансин.

Кузатув кенгашига:

1	Темиров О.Ш.	“Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари
2	Тухтаев А.Х.	“Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув раиси ўринбосари
3	Усаров Р.Ш.	“Ўзкимёсаноат” АЖ Ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан тартибга солиш ва мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи
4	Бабаев Б.Б.	“Ўзкимёсаноат” АЖ Бош ҳисобчиси
5	Сохибов Б.Г.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси

Тафтиш комиссияга:

1	Алимова З.Т.	“Ўзкимёсаноат” АЖ ички аудит хизмати бошлиғи
---	--------------	--

3. “Дехқонобод калий заводи” АЖ Бошқарув раиси (Қурбанов) жамият бошқарув ва назорат органларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумот ўрнатилган тартибда ошқора этилиши таъминлансин.

Ушбу қарор 2020 йил 27 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамият Уставига мувофиқ ёзма шаклда расмийлаштирилди.

Жамиятнинг ягона акциядори
“Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув раиси

Ж.Т. Мирзамахмудов

